



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2003 йил 3 май, шанба

№ 38 (11.527)

Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора- тадбирлар тўғрисида

“Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг ка-
фолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чорала-
ри тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Ко-
нунига мувофиқ ва республикага тўғридан-
тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш
учун янада қулай шарт-шароитларни таъ-
минлаш, хорижий инвестицияларни ишонч-
ли ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалий ме-
ханизми барпо этиш, мана шу асосда мам-
лакатдаги инвестиция муҳитини янада ях-
шилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси
қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия ва-
зирлигига хорижий инвесторларни ва хо-
рижий инвестициялар иштирокидаги корхо-
наларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлаш
вазифаси юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вази-
рлигига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

хорижий инвесторларни ва хорижий ин-
вестициялар иштирокидаги корхоналарни
жавобгарликка тортишнинг асослилигини
зарур ҳужжатлар, шу жумладан жиноий,
фуқаролик, ҳўжалик ва маъмурий ишлар ма-
териаллари билан танишиш йўли билан
ўрганиб чиқиш;

вазирликлар, идоралар ва назорат орган-
лари, шунингдек маҳаллий ҳокимият ва бо-
шқарув органлари раҳбарларига қонун ҳў-
жатларининг аниқланган бузилишлари,
қонун бузилишини ва унга олиб келувчи
шарт-шароитларнинг сабабларини бартараф
қилиш тўғрисида белгиланган муддатларда
бажарилиши мажбурий бўлган тақдимнома-
лар киритиш;

мансабдор шахслар томонидан хорижий
инвесторлар ва хорижий инвестициялар иш-
тирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва
қонуний манфаатлари бузилиши ҳоллари

Давоми 2-бетда.

ИНСТИТУТНИНГ ЯНГИ ЛОЙИҲАСИ

«Ўзтемирйўллойиҳа» институти меъмор
ва муҳандислари яна бир йирик лойиҳани
яратишга киришдилар.

«Ўзбекистон темир йўллари» ҳиссасдорлик
компанияси буюртмаси бўйича тайёрланаётган
бу лойиҳа Тошкент-Ангрен темир йўлини элек-
трлаштириш имконини беради. Айни вақтда Ан-
грен кўмирини ҳамда Оҳангарон цементини
ортиш ва ташиш учун катта қулайлик юзага
келади.

Бу муҳим энергетик жараённи кенг йўлга
қўйиш мақсадида «Жанубий» темир йўл бекати
ўқинида электр тармоғининг контакт таянчи
ўрнатилди.

Ақбар АЛИЕВ.

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЮКСАК БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2 май кўни
Оқсаройда Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) президен-
ти Жан Лемьерни қабул қилди.



Ўзбекистоннинг ЕТТБ билан ҳам-
корлиги вақт синовидан ўтган. Банк
илк бор 1993 йилда Ўзбекистондаги
лойиҳани молиялаштирган эди. Ўтган
даврда мамлакатимиз ЕТТБ страте-
гиясида устувор ҳисобланган Марка-

зий Осиё минтақаси учун ажратила-
диган кредитларни тақсимлаш бора-
сида унинг энг яқин шеригига айлан-
ди.

Бугунга қадар ЕТТБ иштирокида
Ўзбекистонда умумий қиймати 1,4

миллиард АҚШ долларига тенг 20
лойиҳа амалга оширилди. Бунда банк-
нинг ҳиссаси 723,8 миллион долларни
ташkil этади. Айни пайтда жами қий-
мати 320 миллион долларлик яна 8
лойиҳа ишланмоқда. Бошқа мамлакат-
лардаги каби Ўзбекистонда ҳам ЕТТБ
хусусий секторни қўллаб-қувватлаш ва
кенгайтириш, кичик ва ўрта бизнес лой-
иҳалари учун кредит бериш, бозор ин-
фратузилмаларини ривожлантириш,
экология масалаларига алоҳида эъти-
бор қаратади.

Шу кўнларда эса Тошкентга ўнлаб
мамлакатлардан ҳукумат делегациялари,
молиячилар, ишбилармонлар, банкир-
лар, сиёсатчилар келмоқда. ЕТТБ Бош-
қарувчилар кенгашининг навбатдаги йил-
лик мажлиси 4-5 май кўнлари Ўзбекис-
тон пойтахтида бўлиб ўтади.

Президент Ислам Каримов ушбу воқеа
ЕТТБнинг Ўзбекистонга ишончи мустаҳ-
камлигидан, банкка қатъиятли шахс раҳ-
барлик қилаётганидан далолат эканли-
гини таъкидлади. Ушбу йирик анжуман-
нинг Тошкентда ўтиши, унга ҳар томон-
лама пухта тайёргарлик кўрилгани эса
ўзаро ҳамкорлик юксак даражада ривож-
ланиб бораётганидан дарак беради.

Учрашувда мазкур анжуманга ҳамда
Ўзбекистон билан ЕТТБнинг ҳамкорли-
гини янада кенгайтириш имкониятларига
оид масалалар муҳокама қилинди.

Ў.А.

Абдувоҳид ТўРАЕВ (Ў.А.) олган
сурат

ЖАҲОН НИГОҲИ ТОШКЕНТДА


Эртага мамлакатимиз пойтахтида ЕТТБ
бошқарувчилари кенгашининг XII йиллик йиғилиши
ўз ишини бошлайди

1991 йилда ташkil этилган ЕТТБнинг
асосий фаолият йўналиши Марказий ва
Шарқий Европа ҳамда МДХ мамлакат-
ларида кичик ва ўрта бизнесни ривож-
лантириш, режали иқтисодий шароит-
ида яшаган мамлакатларда бозор му-
носабатларини шакллантириш, демоно-
полизация ҳамда давлат корхоналари-
ни тасарруфдан чиқариш, хусусий мулк-
чиликни шакллантириш ҳамда ушбу
мамлакатларни жаҳон ҳамжамиятига ин-
теграциялаштиришга қаратилди.

Европа Тикланиш ва Тараққиёт бан-
ки раҳбарияти бу йиғилишни Тошкент-
да ўтказиш билан, Марказий Осиё мам-
лакатларининг улкан инвестицион сало-
ҳиятига халқаро жамқатчилик, биринчи
навбатда, банклар ва молия институт-
лари эътиборини жалб қилиш тарафдо-
ри эканлигини намойиш этди. Минтақада йирик ва
иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакат ҳисоб-
ланган Ўзбекистон Марказий Осиёда хавфсизлик, ба-
рқарорлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни ривож-
лантириш учун кафолат бўлиб хизмат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимиз-
га хорижий инвестицияларнинг кириши тобора ор-
тиб бормоқда. Биргина ўтган йили унинг умумий
ҳажми 650 миллион АҚШ долларини ташkil этди.
Ҳаммаси бўлиб эса 14 миллиард долларга етди. Бу
маблағнинг 80 фоизи ишлаб чиқариш тармоқларини
ривожлантиришга йўналтирилди. Бунда Европа Тик-
ланиш ва Тараққиёт банкнинг улуши эса 1,4 мил-
лиард долларни ташkil этди. Бу маблағ эвазига 20
инвестицион лойиҳа амалга оширилди. Бу йил банк
яна 8 та лойиҳани амалга ошириш учун 350 милли-
он доллар ажратишни назарда тутмоқда.

Ўзбекистон бугунги кўнда жаҳоннинг 120 дан ор-
тиқ мамлакати билан савдо-иқтисодий муносабат-



Evropa
Tiklanish va Taraqqiyot
Banki

ларни ўрнатган. Республикаимизда жаҳон-
нинг 90 мамлакатидан жалб қилинган хо-
рижий инвестициялар иштирокидаги 3
мингдан зиёд корхона фаолият кўрсат-
моқда.

Республикаимиз минтақаларида қўшим-
ча имтиёзлар ва енгилликлар жорий
қилинишини назарда тутган хорижий ин-
вестициялар иштирокидаги корхоналар-
ни барпо этиш бўйича ҳукумат дастури-
нинг қабул қилиниши тадбиркорлар до-
ираси учун янги қулайликлар вужудга
келтирди. Шу туфайли 152 та янги қўшма
корхона ташkil этилди. 2005 йилгача
бўлган даврда шундай сармоядорларга
яна 140 тадан ортиқ янги қўшма ишлаб
чиқаришларни тузишда иштирок этиш
таклиф этилмоқда. Европа банки томо-
нидан пойтахтимизда 60 та хорижий
мамлакатларнинг расмий делегациялари, халқаро
иқтисодий ташкилотлар ва молия институтлари раҳ-
барлари, шунингдек етакчи хорижий тижорат банк-
лари ва инвестиция фирмалари, йирик ишлаб чиқ-
ариш концернлари ва компанияларининг раҳбарлари
иштирокида халқаро тадбирнинг ўтказилиши Ўзбеки-
стоннинг ишбилармонлар доиралари вакилларига
янги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун ҳам-
корлар излаш учун бекиёс имкониятлар яратади.

ЕТТБ бошқарувчиларининг йиллик йиғилиши тадбир-
лари дастури бугун, кўннинг иккинчи ярмида Ўзбекис-
тон Республикасининг инвестицион анжуманини ўтқа-
зиш билан бошланади. Унда мамлакатнинг инвестици-
он салоҳияти ҳамда Марказий Осиё давлатлари иқти-
содий ҳамкорлигини янада ривожлантириш истиқбол-
ларига бағишланган катта тақдирот маросими бўлади.
Унда иқтисодий ҳамкорликка ва энг аввало хорижий
инвестицияларни жалб қилишга доир масалалар очиқ

Давоми 3-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
Қ А Р О Р И

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялари ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

аниқланган ҳолларда, шунингдек адлия органларининг қонуний талаблари мансабдор шахслар томонидан бажарилмаган тақдирда айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалаларни тегишли органлар олдида қўйиш;

хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқларини бузаётган назорат қилувчи ҳамда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳаракати ёки қарорларини тўхтатиб қўйиш;

жиноий, фуқаролик, ҳўжалик ва маъмурий ишлар бўйича хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузувчи суд ҳужжатларини давлат божи тўламасдан қайта кўриб чиқиш тўғрисида суд инстанцияларига таклифлар билан мурожаат қилиш;

хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги мурожаатларини текшириш учун тегишли мутахассисларни жалб этиш.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашга доир қарорлари вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тузилмасида штатдаги ходимлар сони 10 нафар бўлган Хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар

иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида эса тегишли бўлимлар ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси ва тегишли бўлимларнинг жорий таъминотини молиялаштиришни назарда тутсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

икки ҳафта муддатда Хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармасининг тузилмасини ва Бошқарма тўғрисидаги нозомни тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга нисбатан амалдаги имтиёзлар ва кафолатлар рўйхатини, уларни қўллаш бўйича шарҳлар билан биргаликда, икки ой муддатда тайёрласин;

Хорижий сармоялар бўйича агентлик билан биргаликда Ўзбекистон Республикасидаги хорижий инвесторлар фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган тўпламини Интернет тармоғига жойлаштириш учун хорижий тилларда уч ой муддатда тайёрласин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти хорижий ин-

весторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги минтақавий бўлимларининг моддий-техника базасини қўллаб-қувватлаш учун грантлар жалб этилишига қўмаклашсин.

5. Адлия вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятининг доимий мониторингини олиб борсинлар ҳамда хорижий инвесторлардан тушаётган мурожаатлар ва таклифларни батафсил ўрганиб чиқсинлар ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича ишларни ташкил этишни янада яхшилаш юзасидан аниқ таклифлар билан биргаликда тахлилий материалларни Вазирлар Маҳкамасига йилнинг ҳар чорағида тақдим этсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин, шунингдек вазирликлар ва идораларнинг норматив ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.Азимов ва Э.Ғаниев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2003 йил 2 май.

Тадбир

«SEN YOLG'IZ EMASSAN» – БОЛАЛАР МЕҲРИБОНИ

«Sen Yolg'iz Emassan» хайрия жамғармаси ташаббуси билан ўтказилаётган «Сен ҳазрати инсонсан» номли марафон олдида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Ушбу марафон 1 майдан 1 июнга қадар давом этади.

Анжуманда тадбирдан кўзланган мақсад, шунингдек, жамғарманинг ўз олдига қўйган вазифалари хусусида сўз борди.

Хусусан, ушбу нотижорат жамғармаси меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатлари тарбияланувчилари, ногиронлар, кам таъминланган оилаларнинг болаларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш, интернат ва бошқа махсус ўқув юртларининг битирувчиларини олийгоҳларга тайёрлаш ва болалар муаммолари билан боғлиқ бошқа хайрли ишларни амалга оширади. Жумладан, ҳар бир боланинг қизиқиши ўрганилиб, касбга йўналтириш ёхуд билим олишларини таъминлаш йўлида маблағлар сарфланади. Шу мақсадда жамғарма қошида ўқув маркази ташкил этилган.

Марказда ишонч телефонлари ҳам ишлаб турибди. Болалар ўзларини қийнаётган муаммолар билан мурожаат қилишлари ва керакли маслаҳатларни олишлари мумкин.

Марафон 1 июнь — халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунидан эстрада юлдузларининг катта концерт дастури билан якунланади.

Ўз мухбиримиз.

Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги

Кўчада эҳтиёт бўлинг


— Айтинг-чи, шу кунда республикада инсон ҳаёти билан боғлиқ қандай тадбирлар ўтказилапти? — сўраймиз рўнарамиздан чиққан ўқувчидан.

— Мен Дилафруз Шерматова бўлман, — ўзини таништирди Паркентдаги 8-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиси. — Адашмасам, «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» ўтапти.

— Уни ўтказишдан мақсад нима?

— Энг аввало, хушёрлик ва эҳтиёткорликни ошириш. Кўча ҳаракати қоидаларига амал қилишни доимий одатга айлантириш. Бу масалалар бизга «Йўл ҳаракати қоидалари» дарсларида ҳам тушунириб борилади.

— Яна бир муҳим томони — давлат ва шахсий транспорт воситалари ҳайдовчилари йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилишларига эришиш кўзда тутилган, — суҳбатга қўшилди 5-ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиси Ж. Хусанов. — Шунингдек, йўловчиларга ҳам анча масъулият юкланади. Мак-



таб, боғча ёшидаги болалар ҳам йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда зийраклик кўрсатиб, оқилона иш юритишлари керак.

— Ўқувчилар, тарбияланувчилар-ку доимий равишда огоҳлантириб бориляпти. Аммо, ҳайдовчиларимиз қоидадан бузишгаётгани ташвишланарли, — деди туман болалар ва ўсмирлар ижодий марказининг раҳбари Д. Азимова.

Шу сабаб «Ҳаракат хавф-

сизлиги ойлиги»да барча бирдек қатнашиши зарур ва шарт.

— Энг аввало, аҳоли орасида кенг тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб бораёмиз, — деди туман давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимнинг бошлиғи, милиция подполковниги Р. Шерматов. — Ходимларимизнинг қатъий ҳаракатлари кучайтирилган. Ҳозирга қадар бир марта йўл транспорти ҳодисаси содир этилганлиги қайд этилди. Бор имкониятларимизни сафарбар қилиб, бу оммавий тадбирини самарали ўтказамиз деб ўйлайман.

Зотан, республикада ўтказилаётган тадбир ўз мазмун-моҳияти билан танчлигимизни таъминлашга, соғлом муҳит яратилишига хизмат қилаётир. Хушёрроқ ва эҳтиёткорроқ бўлсак, йўлларимиз бехатар, ҳаётимиз нурафшон, оиламизда осойишталик ҳукмрон бўлади.

Бахтиёр ИКРОМОВ,
Паркент тумани Ички ишлар бўлимида давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимининг бошлиғи, милиция капитани.
Абдузхур ҚОРАБОЕВ,
журналист.

ТАЖРИБАЛАР БИЛАН ЎРТОҚЛАШИЛДИ

Бўстонлиқ ва Паркент туманларида оилада зўравонлик, қариндош-уруғларнинг ўртасида никоҳнинг зарарли оқибатлари ва уларни бартараф этиш масалаларига бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтди.

Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитаси «Гендер: инновация ва ривожланиш» маркази билан ҳамкорликда ўтказилган бу йиғилишларда балоғат ёшига етмаган қизларни узатиш, хотин-қизларнинг камситилиши, ногирон болаларнинг туғилиши

каби нохуш ҳолатларни бартараф этиш масалалари хусусида фикрлашиб олинди. Марказ директори Галина Виноградова, туман хотин-қизлар қўмиталарининг расилари бундай ҳолатларнинг олдини олиш тажрибалари билан ўртоқлашилди.

Зулхумор ЖўРАЕВА.

ЯҚИН ҲАМКОРЛИК — МУВАФФАҚИЯТГА ЕТАКЛАЙДИ

Янгийўл шаҳрида вилоят хотин-қизлар қўмитаси, соғлиқни сақлаш, ички ишлар ва прокуратура идоралари ҳамкорлик режаси асосида навбатдаги ҳудудий йиғилиш бўлиб ўтди.

Уни вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси Адиба Аҳмаджонова бошқарди.

Йиғилишда Янгийўл шаҳри, Янгийўл ва Зангиота туманларининг соғлиқни сақлаш ва ҳуқуқ-тартибот идоралари, маҳаллалар ва хотин-қизлар қўмиталари фаоллари иштирок этишди. Асосий эътибор хо-

тин-қизларни маънавий соғломлаштириш, вояга етмаганлар ва хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш масалаларига қаратилди. Бу борада турли идораларнинг ҳамкорлигини кучайтириш тўғрисида қолган муаммоларни муваффақиятли бартараф этишининг асоси эканлиги алоҳида таъкидланди.

Ўз мухбиримиз.



ЖАҲОН НИГОҲИ ТОШКЕНТДА

муҳокама қилинади. Хусусийлаштириш, хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, банк-молия секторини ислоҳ қилиш ва тараққий эттириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилди. Айни пайтда мамлакатимизнинг иқтисодий, инвестицион ва экспорт салоҳияти билан бевосита танишиш мақсадида иқтисодиётнинг илғор соҳалари, қўшма корхоналар, кичик ва ўрта бизнес каби тармоқларига тааллуқли экспозициялар кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.

ЕТБ бошқарувчилар кенгашининг йиллик йиғилишининг расмий дастурида пленар йиғилиш ва бошқарувчилар кенгаши ҳамда бизнес анжуман ўтказилиши назарда тутилган. Бизнес анжуман да-

Давоми. Боши 1-бетда.

Почта маркаларимиз дунё кезади

Маркалар почта хизмати тўлов белгиси бўлиш билан бирга давлатимиз тарихи, маданияти ва қадимий анъаналари, фан-техника ютуқлари, буюк аجدодларимиз, тарихий обидаларимиз, мамлакатимиз ҳудудидида ўсвучи камёб ўсимлик ва ҳайвонот оламини бутун дунёга таништиришда муҳим аҳамиятга эга.

– Мамлакатимизнинг илк почта маркаси муомалага 1992 йили чиқарилган ва халқимизнинг сеvimли шоираси Нодирабегим таваллудининг 200 йиллигига бағишланган эди, – дейди "Ўзбекистон маркаси" акциядорлик жамияти директорининг ўринбосари Қахрамон ВАХОБОВ ўза мухбирига. – Дастлабки почта маркаларимиз хорижлик мутахассислар билан ҳамкорликда чиқарилган бўлса, 1996 йилдан буён мамлакатимизнинг ўзида чоп этилмоқда. Босмага тайёрлаш, рассомлик ва дизайнерлик ишлари юртимиз мутахассислари томонидан амалга ошириляпти. Жаҳон андозалари талабларига тўлиқ жавоб берувчи бундай маҳсулотлар бугунги кунда халқаро кўргазмаларда муваффақиятли иштирок этаётир. Почта маркаларимиз халқаро "Иверт", "Скотт", "Михель" каталогларига киритилган.

Ҳозирги кунга қадар жами 477 номда почта маркаси муомалага чиқарилган. Бунда мустақил давлатимизнинг ҳаёти ва тараққий йўлига оид асосий босқичлар ўз

вомида банк фаолияти доирасига кирувчи 27 та мамлакатнинг тақдироти ҳам бўлиб ўтади. Мазкур тадбир ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий ислохотлар ўтказиш бўйича тажрибаси, иқтисодий тараққийёт натижалари, янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш имкониятлари ва бошқа шу каби соҳалар бўйича маълумот олиш ва танишиб чиқиш имконини беради. Бундан ташқари, инвестицион иқлим, минтақавий савдо ва глобаллашув, унумли бизнес юритиш, кичик ва ўрта бизнесни ҳимоялаш, қўллаб-қувватлаш, сув захираларидан фойдаланиш ва ҳимоя қилиш масалалари юзасидан 6 та семинар ўтказиш ҳам режалаштирилмоқда. Банк фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири хусусий тадбиркор-

ликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва маблағ билан таъминлашдан иборатдир. Шуни ҳисобга олиб Швейцариянинг иқтисодий алоқалар давлат котибияти Ўзбекистоннинг тижорат банклари ва сугурта компаниялари билан ҳамкорликда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш соҳасидаги энг яхши лойиҳа учун танлов эълон қилди. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш юзасидан янги инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш



КРЕДИТ ЛОЙИҲАСИНИ ТАВСИЯ ЭТДИК

Хусусий фирмамиз оддий тилда кондори деб аталадиган гематоген ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Бу муҳим дармондорига талаб эса катта, унинг бозори чакқон, чунки, камқонлик касаллиги учун жуда асқотади. Шуни ҳисобга олиб бу маҳсулотни тайёрлашни барча имкониятларни ишга солиш йўли билан кўпайтиришга ҳаракат қилаямиз.

Ўтган йил давомида ундан бир миллион сўмлик истеъмолчиларга етказиб берилди. Бу йил эса бир ярим миллион сўмлик маррани эгаллашни мўлжаллаб турибмиз. Режанинг уйдасидан чиқамиз, албатта. Энг муҳими бугунга келиб, хом ашё таъминотида четга қарамликни тўла бартараф этишга эришдик. Уларнинг айримлари

истагида бўлганлар танловда иштирок этиш учун таклиф этилади. Фолиб кредит олади. Танлов якунлари ЕТБ йиғилишини ўтказиш чоғида эълон қилинади.

Лўнда қилиб айтганда, ЕТБ бошқарувчилари кенгашининг XII йиллик йиғилиши мамлакатимизда ва, умуман, Марказий Осиёда савдо-иқтисодий ва инвестицион ҳамкорликни ривожлантириш, 60 дан ортиқ мамлакатнинг ишбилармон доиралари ўртасида алоқаларни мустаҳкамлаш, банкларо ҳамкорликни кенгайтириш, республикаимиз иқтисодиётига янги инвестицияларни жалб этиш учун катта имкониятлар яратади.

Мазкур йиғилиш нуфузини эса, унда иштирок этиш учун бешта давлат президенти, олти бош вазир ўринбосари, 34 вазир, 22 вазир ўринбосари, 12 марказий банк раҳбари, 61 расмий делегация ташриф буюраётганидан ҳам билса бўлади. Ҳа, чиндан ҳам Тошкент анжумани том маънода жаҳон иқтисодий олимпиадасига айланади.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг иқтисодий шарҳловчиси.

аксини топган. Давлат рамзлари, Президентимизнинг халқаро миқёсдаги учрашувлари, Парламентимиз, истиқлол йилларидаги тарихий воқеалар, аждодларимиз хотирасига эҳтиром, мамлакатимиз Куроли Кучлари, иқтисодиёт, қурилиш, саноат, меъморчилик, таълим, маданият, спорт соҳаларидаги ютуқлар ана шулар жумласидандир.

Жамиятнинг Австрия, Италия, Норвегия, Венгрия, Япония, Аргентина, Бразилия, Исроил каби давлатлардаги ташкилотлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатгани юртимиз почта маркаларига жаҳонда қизиқишнинг тобора ортиб боришида ҳам муҳим омил бўляпти.

Акциядорлик жамияти йирик саналарга атаб ҳам турли почта маркалари ишлаб чиқармоқда. Масалан, Европа тикланиш ва тараққийёт банки бошқарувчилари кенгашининг 4-5 май кунлари пойтахтимизда ўтадиган йиллик анжуманига атаб 43 номда 11 туркумдан иборат бадий почта маркаси тайёрланди.

Ў.А.

Жамоатчилик – ЕТБнинг Тошкентдаги анжумани тўғрисида

Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодини шакллантиришга, иқтисодий ва молиявий барқарорликка йўналтирилган изчил сиёсат амалга оширилмоқда. Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган ислохотларнинг ўзбек модели бутун дунёда тан олинди ва қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон барқарор, изчил, самарали ижтимоий-иқтисодий сиёсати туфайли, шу жумладан халқаро иқтисодий уюшмалар доирасида ҳамкорликни чуқурлаштириш орқали жаҳон ҳамжамиятининг ишончини қозонди. Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалик муносабатларига интеграцияси таъминлашда Европа тикланиш ва тараққийёт банки каби

нуфузли молиявий ташкилот ҳам катта ёрдам бермоқда. Республикаимиз 1992 йилда унинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланган. Бу йил ЕТБ бошқарувчилар кенгашининг йиллик мажлиси Тошкентда ўтказилаётгани мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришларнинг яққол далилидир. Бу халқаро анжуман орқали Ўзбекистон бутун дунёга

ўзининг улкан инвестициявий салоҳиятини яна бир бор намойиш этади.

Анжуман арафасида "Ижтимоий фикр" жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази қарийб 2,5 миллион киши яшайдиган Ўзбекистон пойтахти аҳолиси ўртасида тезкор сўров ўтказди. Сўров тошкентликларнинг республика ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий воқеалардан яхши хабардор эканлигини кўрсатди. "ЕТБ бошқарувчилар кенгашининг мажлисида қандай масалалар муҳокама қилинишини биласизми?" деган саволга сўралганларнинг аксарияти бундан хабардор эканлигини айтган. Қуйидагича жавоблар олинди: 21,6 фоиз

ўзимизда тайёрланмоқда, бошқаларини республикаимиздаги меҳнат жамоалари етказиб беришляпти.

Бу йил корхонаимизда маҳсулот ишлаб чиқаришда кўзда тутилганидек кўпайтириш учун янги технологик линияни харид қилмоқчимиз. Бунинг учун вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ёрдамида Европа Тикланиш ва Тараққийёт банкидан 30 минг АҚШ долларини олмақчимиз. Шу мақсадда бизнес режа лойиҳасини тайёрляпмиз.

Назокат ҚАЮМОВА,
Янгийўлдаги «Зукко» хусусий фирмаси раҳбари.

сўралганлар яхши хабардор, 68,4 фоиз одамлар умуман хабардор.

Тошкентликлар ЕТБ бошқарувчиларининг йиллик мажлисидан нималар кутмоқда? Сўралганларнинг ҳар учинчиси фикрича, бу анжуман туфайли Ўзбекистоннинг ЕТБ, унинг аъзолари бўлган давлатлар билан алоқалари кенгайди ва мустаҳкамланади. Яна шунча сўралганлар республикага келаятган хорижий инвестициялар оқими ортишига ва бу ўз навбатида мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар суръатларини жадаллаштириш имконини беришига умид қилади. Сўровда иштирок этганларнинг 18,3 фоизи фикрича, республикада тадбиркорлик муҳити яхшиланади, кичик ва ўрта бизнеснинг оёққа туриши учун янги туртки берилади. Сўралганлар бундай муҳим тадбирнинг Тош-

Кўргазма меҳмонларни кутмоқда

Мамлакатимиз халқаро миқёсдаги катта тадбир – 4-5 май кунлари Тошкентда бўлиб ўтадиган Европа Тикланиш ва Тараққийёт банки бошқарувчилари кенгашининг йиллик мажлисига қизгин тайёргарлик кўрмоқда.

Ушбу нуфузли иқтисодий анжуман катнашчилари ва меҳмонлари учун меҳмондўстлик, самимийлик муҳитини яратишда Ўзбекистон Бадий академиясининг ижодий жамоаси ҳамда ташкилотлари ҳам ўз хиссасини қўшаётир.

Масалан, Бадий кўргазма раҳбарияти "Tashkent-Plaza" савдо марказида замонавий санъат галереясини ташкил қилди, "Хамар" халқаро алоқалар маркази яқинда пойтахтимизда қайта таъмирланган "Ле Меридиан-Тошкент палас" ва "Дедеман Силк Род-Тошкент" меҳмонхоналарида рассомлик ҳамда амалий санъат асарлари кўргазмаларини жойлаштирди.

Шу кунларда Бадий академиянинг замонавий санъат марказида ҳам шахарлик ва пойтахтимиз меҳмонларини қутиб олишга ҳозирлик қўрилламоқда. Бу ерда халқ хунармандлари фестивали, "Ўзбекистон хунармандчиликлари" /гул босиш, ёғочга ва металлга бадий ишлов бериш, заргарлик санъати/, "Заркент хас саватлари", "Рассом ва модел", "Ўзбекистоннинг замонавий санъати" вернисажлари бўлиб ўтмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, санъат соҳасидаги ўзига хос воқеалардан ҳисобланган "Нукус музейи коллекцияси дурдоналари" кўргазмаси Марказий кўргазмалар залида жорий йилнинг 11 майгача давом этади. Ушбу кўргазманинг 5 майда бўлиб ўтадиган халқаро тақдирот маросимида Европа Тикланиш ва Тараққийёт банки бошқарувчилари кенгашининг йиллик мажлиси иштирокчилари ҳам таклиф этилади.

Мазкур тадбирларнинг барчаси чет эллик меҳмонларни санъат усталарининг энг яхши асарлари, қайта тикланаётган миллий бадий маданиятимиз, шунингдек, ўзбек халқи маънавияти асослари, мустақиллик даврида қўлга киритилган ютуқлари билан таништириш имконини беради.

Ў.А.

кентда ўтказилиши мамлакатимизнинг жаҳондаги обрўсини оширишини қайд этишмоқда. Пойтахт аҳолисининг кўпчилиги /93,4 фоиз/ ЕТБ мажлиси у ёки бу даражада республиканинг ижтимоий, иқтисодий ва молиявий аҳолини яхшилашга хизмат қилади, деган фикрда.

Тошкентда ЕТБ бошқарувчилар кенгаши йиллик мажлиси ўтказилишининг ўзи, аксарият тошкентликларнинг фикрича, давлатимиз раҳбари ва, умуман, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда обрўси юқорилиги ҳамда ЕТБ ва иштирокчи мамлакатларнинг юртимизга қизиқиши ортиб бораётганидан деҳолат беради.

"Ижтимоий фикр"

маркази материаллари

асосида ЎА мухбири

А. ИВАНОВА тайёрлади.

Dushanba

5

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома»
8.45 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.20 «Сарвиноз» ансамблининг концерти.
9.45 «Гуртинчи хокимият»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар.
10.05 «Ўзбек кураши Осиё уинларида»
10.35 Мусикий таанфус.
10.45 «Ўзбектеле-фильм» намоиши: «Кошона», «Темир карвон садоси»
11.40 «Чорраха»
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси халқ чолгу оркестрининг концерти.
12.30, 13.55 ТВ анонс.

«Болалар сайёраси»: 12.35 1. «Санъат гунчалари»
2. «Олтин тож». Телевизион уйин.
13.35 «КиноТеатр»
14.10 Волейбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. Финал учрашуви.
14.40 Кундузги сеанс: «Юлдузгини бер, осмон»
16.00 «Талабалик йилларим»
16.20 «Камила». Телесериал.
16.50 «Рангин дунё»
17.05 «Сехрланган бола». Мультфильм.
17.45 «Шарқ тароналари»
18.10 «Ўзбектеле-фильм» намоиши: «Муқаддас пойтахт-миз»
19.10 «Мулқдор»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиларлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот»
21.05 Европа Тикла-ниш ва Тараққиёт банки бошқарувчи-лар кенгашининг йиллик йиғилиши кундалиги.
21.25 2003 йил – Обод маҳалла йили.
«Кўпчилик қаторида»
21.45 «Ўзбекистон» каналида илк маро-таба: «Қиш соната-си». Телесериал.
22.55 ТВ клип.
23.05 «Япония турмуш тарзи». Хужжатли телесериал премье-раси.
23.25 «Ахборот-дайжест»
23.45-23.50 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр тонги.
10.00 «Янги авлод» студияси: Уй вази-фаси, Келинг, танишайлик.
10.30 «Мульттомоша».

10.45 «Достоннинг давоми». Видео-фильм.
11.00 «Давр»-news.
11.20 ТВ-анонс.
11.25 Болалар экран-и: «Самсон ва Салли». Мультфильм.
12.25 Илдиш ва япроқ.
12.45 Жаҳон жуғрофи-яси.
13.35 Мозийдан келажакка.
13.55 Автосалтанат.
14.10 «Рей Брэдбери театри». Сериал.
14.35 Балли, ошпаз-лар.
14.55 ТВ-анонс.
15.00 «Давр» ҳафта ичида.
15.30 «Фаройиб ходиса». Бадий фильм.
16.30 Спорт ҳафтано-маси.
16.45 «Ўзбекистон – Япония: ҳамкорлик-нинг янги босқичла-ри» («Ўзбектеле-фильм»)
17.20 Кўрсатувлар дастури.
17.25 «Янги авлод» почтаси.
17.40 «Жонсарақ». Мультфильм.
17.50 Эл фарзанди.

18.10 Ёшлар овози.
18.30 Белида белбоги борлар.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 «Меҳр кўзда»
Мақтубларга шарҳ.
20.00 Кўхна оҳанглар.
20.10 Қишлоқдаги тенгдошим.
20.30 Ватан ҳақида кўшиқ.
20.35, 21.20, 22.35 Эълонлар.
20.40 «Гвадалупе». Телесериал.
21.25 Азизим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Рей Брэдбери театри». Сериал.
23.10 «Ёшлар» телека-налида спорт: Интерфутбол Танаф-фус пайтида.
0.00 Давр.
1.00-1.05 Хайрли тун.
«Тошкент» телеканал
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал.
«Муҳаббат риштаси»
17.55, 19.05, 21.50 «Экспресс» телегазе-

таси.
18.15 Болажонлар экран-и.
18.30, 20.00, 21.10 22.10 «Пойтахт»
Ахборот дастури.
18.50 «Спорт ва болалар»
19.25 «Халқ саломат-лиги йўлида»
19.50 «Авто-news»
20.25 ТТВда сериал.
«Мафтункор аёл»
21.30 «Хусусийлашти-риш: қадам-бақа-дам»
22.35 Кинонигоҳ. «Ой нури агентлиги»
26-27-сериаллар.
23.45-23.50 Хайрли тун, шахрим!

«Халқаро» телеканал

Биринчи канал. 6.30-8.00
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести»
16.50 «Мультсеанс»
17.10 «Евроныйос» янгиларлари.
17.30 «Хазил кетидан хазил»
18.00 «Мени кутгил»
19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?»

Телеуёин.
20.00 «Время»
20.35 «Бизнес ревью»
20.40 «Жаҳон ракс-лари»
20.55 CFI тақдим этади: «Асринг буюк инсонлари»
21.45 Кинематограф.
«Онам мени химоя қилади». Бадий фильм.
23.15 «Ахборот» (рус тилида)
23.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

16.55гача профилактика ишлари.
16.55 Дастурнинг очилиши. 17.00 «Маърифий дастур»
17.40, 20.45 «Телехамкор»
18.00 «30-канал» кино-оқшом-и: «Шимол нури»
19.30 «Ошико-на» мусикий дастури.
19.45 «Қонун номи-дан»
21.05 «Клип-совга»
Телетаб-рикнома. 21.20 «Хайр-ли тун, кичкинтойлар!»
21.30 «30-канал» кинооқшом-и: «Қасос-кор-кикбоксёр»
23.15 «30-канал»да спорт.

Seshanba

6

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Дўстона беллашув»
9.20 «Нурли манзил-лар»
9.35 «Ўзбектеле-фильм» намоиши: «Умид қалдирғочла-ри», «Хаттотлик санъати»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар.
10.05 «Мулқдор»
10.20 «Хаворанг атиргул». Бадий фильм.
11.25 «Кўклам соғинчи»
11.45 «Эх, айиквой». Мультфильм.
11.55, 12.25 ТВ анонс.
12.05 «Кўпчилик қаторида»
12.30 «Қишлоқ

ҳақида ўйлар»
12.50 «Қиш сонатаси». Телесериал.
14.10 «Муносабат»
14.50 Волейбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. Финал учрашуви.
15.20 Кундузги сеанс: «Самурайлар бай-роғи». Бадий фильм. 1-қисм.
16.25 ТВ клип.
16.35 «Баркамол авлод орзуси»
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан»
18.10 «Қонун ва ижро»
18.25 «Ўзбектеле-фильм» намоиши: «Еруғлик». 1-фильм.
19.10 «Тафсилот»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртакла-ри.
20.15 FCN «Ўзбекис-тон янгиларлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот»

21.05 Европа Тикла-ниш ва Тараққиёт банки бошқарувчи-лар кенгашининг йиллик йиғилиши кундалиги.
21.25 ТВ клип.
21.35 Бевосита мулоқот.
22.15 «Ўзбекистон» каналида илк маро-таба: «Қиш соната-си». Телесериал.
23.25 «Спорт, спорт, спорт»
23.40 «Ахборот-дайжест»
24.00-00.05 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Давр»-репортаж.
9.25 «Янги авлод» почтаси.
9.40 «Мульттомоша»
9.55 ТВ-анонс.
10.00 «Сиртлонлар»
Хужжатли фильм.
10.50 Ёшлар овози.
11.10 Бугуннинг боласи 1-курсатув.
11.30 «Гвадалупе»
Телесериал.
12.10 Белида белбоги

борлар.
12.30 Интерфутбол.
14.10 Болалар экран-и: «Питер ва сехрли тухум». Мультфильм.
14.35 Қишлоқдаги тенгдошим.
14.55 «Рей Брэдбери театри». Сериал.
15.20 ТВ-анонс.
15.25 «Хофизлар куйлаганда». Муси-кий фильм.
16.00 «Галатепалик авдиё». Телевизион бадий фильм.
16.25 «Бу менинг Ватаним». Видео-фильм.
17.05 Кўрсатувлар дастури.
17.10 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.
17.30 ТВ-анонс.
17.35 Кўхна оҳанглар.
17.45 Қўли гул уста.
18.05 Ёшлар овози.
18.25 Автопатрул.
18.45 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр»-интер-вью.
19.50 ТВ-анонс.
19.55 «Ёшлар» телека-налида премьера: «Эраимдан аввалги

дунё». Маърифий фильм 1-қисм.
20.20 Марди майдон.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 «Чўпон». Видео-фильм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Рей Брэдбери театри». Сериал.
23.10 «Ёшлар» телека-налида спорт дасту-ри: 1. Нокаут, 2. Теннис.
0.15 Давр.
0.30-0.35 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «ТТВда сериал»
«Муҳаббат риштаси»
17.55, 19.05, 22.00 «Экспресс» телегазе-таси.
18.15 Болажонлар экран-и.
18.30, 20.00, 21.10, 22.20 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Химоя»
19.25 «Янгиланиш йўлида». Хужжатли

фильм.
19.40 «Хамшаҳарлар»
20.25 ТТВда сериал.
«Мафтункор аёл»
21.30 «TV плюс»
22.45 Кинонигоҳ.
«Унта негр боласи»
1-қисм.
23.45-23.50 Хайрли тун, шахрим!

«Халқаро» телеканал

Биринчи канал. 6.30-8.00
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести»
16.50 «Мультсеанс»
17.10 «Евроныйос» янгиларлари.
17.30 «В. Этуш. Шляпани ечинг»
18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини»
Сериал.
19.00 «Заиф бўгин»
20.00 «Время»
20.40 «Бизнес ревью»
20.45 «Тафаккур ва тақдир»
21.15 FCN «Ўзбекис-тон янгиларлари» (инглиз тилида)
21.25 «Дурдаршан»
21.50 Кинематограф.
«Виллада». Бадий фильм.

23.20 «Ахборот» (рус тилида)
23.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 «Телехамкор»
9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар»
Сериал. 10.40 «Маърифий дастур»
11.10 «Тез ёрдам»
Сериал.
12.00 «Сизнинг хоҳишингиз, хоним»
Мелодрама. 13.30 «У қотилликни баён этди». Телесериал.
15.00 Телешоу.
16.00 «30-канал»да спорт. 16.50 «Диска-вери соати»
18.00 «30-канал» кинооқшом-и: «Гладиатор»
19.30 «Ошикона». Мусикий дастур. 19.45 «Қонун номидан»
Сериал. 21.05 «Клип-совга»
Телетаб-рикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.30 «30-канал» кинооқшом-и: «Улимга тенг уйинлар»
23.15 «Рестлинг титанлари».

Chorshanba

7

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектеле-фильм» намоиши: «Тоғларнинг гули ўзгача»
9.20 «Шарқ тарона-лари»
9.40 «Бахтимизга омон бўлинг»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар.
10.05 «Тафсилот»
10.20 «Саҳнатлар эртаги». Бадий фильм.
12.05 Каратэ бўйича Республика турни-ри.
12.25, 13.55 ТВ анонс.
12.30 «Қонун ва ижро»
12.45 «Қиш соната-си». Телесериал.
14.10 «Остонаси тиллодан»
14.35 Кундузги

сеанс: «Самурайлар байроғи». Бадий фильм. 2-қисм.
15.45 «Ягона оилада»
«Болалар сайёраси»: 16.15 1. «Еднома»
2. «Болаликнинг мовий осмони»
17.15 «Ўзбектеле-фильм» намоиши: «Еруғлик». 2-фильм.
18.10 «Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра!»
18.30 «Умид». Телело-терея.
19.00 Бир жуфт кўшиқ.
19.10 «Мулқдор»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртакла-ри.
20.15 «Юзма-юз»
20.30 «Ахборот»
21.05 «Сиясат олами-да»
21.20 «Ўзбекистон» каналида илк маро-таба: «Камила»
Телесериал.
21.50 «Сарҳад билмас дўстлик»

22.05 «Келин-куёв». Телешоу.
23.00 «Ахборот-дайжест»
23.20 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпио-нати. «Трактор» – «Сурхон»
00.10-00.15 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Давр»-интервью.
9.30 ТВ-анонс.
9.35 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.
9.55 Қўли гул уста.
10.15 «Учинчи сайё-ра». Маърифий дастури.
11.05 Бугуннинг боласи. 2 курсатув.
11.25 «Гвадалупе»
Телесериал.
12.05 Ёшлар овози.
12.25 Ҳазал соғинчи.
12.45 «Ёшлар» телека-налида спорт дасту-ри: 1. Нокаут, 2. Теннис.
13.50 «Меҳр кўзда»
Мақтубларга шарҳ.
14.10 «Ақлдан оздира-

диган уйинлар»
Сериал.
14.35 Эл фарзанди.
14.55 «Рей Брэдбери театри». Сериал.
15.20 Автопатрул.
15.40 «Най» («Ўзбек-телефильм»)
15.55 ТВ-анонс.
16.00 «Бу менинг Ватаним». Видео-фильм.
16.30 Кўрсатувлар дастури.
17.35 «Янги авлод» студияси: Оқ кабу-тар, «Куралай» болалар ансамбли, Мультфильм.
17.25 Болажон.
17.40 ТВ-анонс.
17.45 Мутлола.
18.00 Ёшлар овози.
18.20 Ракурс.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Бизнес академия ЕТББ саммити якунлари.
20.00 Спорт-лото.
20.10 Ватан ҳақида кўшиқлар.
20.20 Чемпион сирла-ри.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.

20.45 «Гвадалупе»
Телесериал.
21.30 «Бунёдкор» ёшлар телеклуби.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Рей Брэдбери театри». Сериал.
23.10 «Ёшлар» телека-налида спорт: Интерфутбол Танаф-фус пайтида.
24.00 Давр.
1.00 – 1.05 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «ТТВда сериал»
«Муҳаббат риштаси»
17.55, 19.10, 22.05 «Экспресс» телегазе-таси.
18.15 «Болажонлар экран-и»
18.30, 20.00, 21.10, 22.25 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Мусикий меҳмонхона»
19.30 «Усимликлар дунёси». Телефильм.
19.40 «Аёл – она, мураббий, раҳбар» телеклуби.
20.25 ТТВда сериал.
«Мафтункор аёл»

21.30 «Янги иқтисод»
22.50 Кинонигоҳ.
«Унта негр боласи»
2-қисм.
23.55-24.00 Хайрли тун, шахрим!

«Халқаро» телеканал

Биринчи канал. 6.30-8.00
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести»
16.50 «Пахтабод»
Хужжатли фильм.
17.10 «Евроныйос» янгиларлари.
17.30 Е. Петросяннинг Кулгу панорамаси.
18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини»
Сериал.
19.00 «Жаҳон раксла-ри»
19.20 CFI тақдим этади: «Байрамлар юрти»
19.45 «Вақт хазинаси-дан»
20.00 «Время»
20.40 «Бизнес-ревью»
20.45 «Спорт техноло-гияси»
21.05 «Хроника»
21.15 «Хинд оҳангла-ри»
21.35 «Соккер клуб»
21.55 Кинематограф.
«Италияликларнинг

саргузаштлари»
Бадий фильм.
23.25 «Ахборот» (рус тилида)
23.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 «Телехамкор»
9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар»
Сериал. 10.40, 16.00 «30»да спорт. 11.10 «Тез ёрдам»
Сериал.
12.00 «Урушдан ав-вал»
Фильм. 1-се-рия. 13.30 «У қотил-ликни баён этди»
Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.00 «30»да спорт. 16.50 «Дис-кавери соати»
18.00 «30-канал» кинооқшом-и: «Ишонччи йўқот-май...»
19.30 «Оши-кона»
Мусикий дасту-р. 19.45 «Қонун номидан»
Сериал. 21.05 «Клип-совга»
Телетаб-рикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.30 «30-канал» кинооқшом-и: «Питон»
23.15 Спорт дастури.

Payshanba

8

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»: 9.00 1. «Еднома»
2. «Болаликнинг мовий осмони»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар.

10.05 «Мулқдор»
10.20 «Мария, Мира-белла Транзистория-да»
Бадий фильм.
11.25 «Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра!»
11.45 Мусикий таанф-фус.
12.05 «Баркамол авлод орзуси»
12.25 Болалар учун.
«Фламинго»
12.45 «Сарҳад билмас дўстлик»
13.00 «Кувноқлар ва

зукколар». Телемусо-бака.
14.10 «Чегарачи»
14.30 Мусикий таанф-фус.
14.40 «Оламни асранг!»
15.00 «Камила»
Телесериал.
«Болалар сайёраси»: 15.30 1. «Сехрли ҳарфлар оролчаси»
2. «Бешбармоқ»
Тележурнал.
16.30 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпио-нати. «Навбахор» – «Пахтакор»
18.10 «Ўзбектеле-фильм» намоиши: «Инсонпарварлик

йўлида»
18.25 «Ўзбекистон: XX1 аср ёшлари»
18.45 «Инсон ва қонун»
19.05 «Соғлом она – соғлом бола»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Оқшом эртак-лари»
20.15 FCN «Ўзбекис-тон янгиларлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот»
21.05 «Қўшиғимиз сизга армуғон»
21.25 «Ўзбекистон» каналида илк маро-

таба: «Камила»
Телесериал.
21.55 «Тарих кўзгуси»
22.15 ТВ клип.
22.25 «Ахборот-дайжест»
22.45 «Икки соҳил – икки тақдир»
Бадий фильм.
00.30-00.35 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: Оқ кабу-тар, «Куралай» болалар ансамбли,

Мультфильм.
10.05 Болажон.
10.20 Бизнес-акаде-мия.
10.40 Тафаккур ёлқинлари.
10.55 Спорт китъаси (рус тилида)
11.20 Чемпион сирла-ри (рус тилида)
11.40 «Гвадалупе»
Телесериал.
12.20 Ёшлар овози.
12.40 Интерфутбол.
14.20 Ракурс.
14.40 «Аёл портрети»
Бадий фильм.
16.10 «Бу менинг Ватаним»
Видео-фильм.
16.40 Кўрсатувлар

дастури.
16.45 Уйна, болажон уйна.
17.00 «Янги авлод» студияси: У ким?, Бу нима?, Келинг, танишайлик.
17.50 Музейлар бўйлаб.
18.00 Рақслар гулдастаси.
18.10 Ёшлар овози.
18.30 Табобат оламида.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» – интервью.
19.50 ТВ-анонс.
19.55 «Эраимиз»

дан аввалги дунё». Маърифий фильм 2-қисм.
20.20 Мезон.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 «Мен элимнинг юрагида яшайман». Видеофильм 1-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Рей Брэдбери театри». Сериал.
23.10 «Ешлар»

телеканалда спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида – 24.00 Давр.
1.00-1.05 Хайрли тун.
«Тошкент» телеканал
17.10 Курсатувлар тартиби.
17.20 ТТҲда сериал. «Мухаббат риштаси».
17.55, 19.10, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Навнихол».
18.30, 20.00, 21.10,

22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Камолот фасли».
19.30 «Ёз нафаси». Телевизион фильм.
19.40 «Хотира ва Қадрлаш куни»га. «Меҳридарё онагинам».
20.25 ТТҲда сериал. «Мафтункор аёл».
21.30 «Умр йўлдоши».
22.45 Кинонигоҳ. «Матильда».
00.05-00.10 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро» телеканал
Биринчи канал 6.30-8.00
16.30 Курсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.50 «Мультсеанс».
17.05 «Ўзбекистон неъматлари».
Хужжатли фильм.
17.15 «Евроњус» янгиликлари.
17.30 Хужжатли фильм.
18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини».

Сериал.
18.50 «Мўъжизаллар майдони».
20.00 «Время».
20.40 А. Пугачева, О. Газманов, И. Кобзон, Н. Басков байрам концертида.
22.25 «Бизнес ревью».
22.30 «Ишбилармон кишилар».
22.50 «Юкори технологиялар олами».
23.00 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
23.10 «Ахборот» (рус тилида)

23.45 Кинематограф. «Саргузашт излаб». Бадий фильм.
1.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 «Телехамкор».
9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал.
10.40, 16.00 «30»да спорт. 11.10 «Тез ёрдам». Сериал. 12.00 «Урушдан аввал». 2-се-

рия. 13.30 «У қотилликни баён этди». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.50 «Дискавери соати». 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Шубҳа остида». 19.30 «Ошикона». Мусикий дастур. 19.45 «Қонун номидан». Сериал. 21.05 «Клип-совға». Телетабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми. «Акулалар-3». 23.15 Спорт дастури.

Juma

9

«Ўзбекистон» телеканал**ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ.**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намоиши: «Юнус Ражабий», «Гани Аъзамов».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Тарих кўзгуси».
10.25 «Қирол шер». Мультфильм.
11.55, 13.55 ТВ анонс.
«Болалар сайёраси»: 12.05 1. «Сехрли харфлар оролчаси». 2. «Бешбармоқ». Тележурнал.
13.05 «Муҳлис ёхуд қўшиқ изидан».
13.25 «Олам».

Телеальманах.
14.10 «Меҳр қолур».
14.30 «Бардош». Бадий фильм.
15.40 Болалар учун. «Қўшигим - жон қўшигим».
16.05 «Камила». Телесериал.
«Болалар сайёраси»: 16.35 1. «Қизикарли учрашувлар».
2. «Уйда, Изла, Топ!»
17.35 «Ўзбекистон ифтихори». Спорт дастури.
18.10 «Яхшилар ёди».
18.30 «Сихат-саломатлик».
18.50 «Тафсилот».
19.05 «Хидоят сари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Оқшом эртаклари».
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Хотира ва

Қадрлаш кунига. «Инсон хотираси азиз».
21.30 ТВ клип.
21.40 «Ўзбекистон» каналда илк марта: «Камила». Телесериал.
22.10 Ўзбекистон Республикаси ИИБ намунали оркестрининг концерти.
22.35 «Олтин бешик».
22.55 ТВ клип.
23.05 «Ахборот-дайжест».
23.23-23.30 Ватан тимсоллари.

«Ешлар» телеканал

7.55 Курсатувлар дастури.
8.00 «Давр» тонги.
9.00 «Давр»-интервью.
9.15 «Хотира майдони». Телефильм.
9.35 «Янги авлод» студияси: У ким?, Бу нима?, Келинг, танишайлик.
10.15 «Умрбоқий қўшиқлар». Мусикий фильм.
10.50 Ешлар овози.
11.10 «Гвадалупе».

Телесериал.
11.50 Мезон.
12.10 Интерфутбол.
13.50 «Махаллада дув-дув гап». Бадий фильм.
15.10 Кўҳна оҳанглар.
15.20 «Хотира». Видеофильм.
16.10 Курсатувлар дастури.
16.15 «Янги авлод» студияси: Кичкинтой театри, Хар соҳага саёҳат, Мультфильм.
17.05 ТВ-анонс.
17.10 Зиё улашган инсон.
17.25 Ватан ҳақида қўшиқ.
17.30 Оҳанрабо.
18.10 Кишлоқдаги тенгдошим.
18.30 Аскар мактублари.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» нигоҳи.
19.55 ТВ-анонс.
20.00 Меҳр кўзда.
20.40, 21.20, 22.35 Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 «Мен элимнинг

юрагида яшайман». Видеофильм 2-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс ва тунги тароналар.
22.55 «Сен етим эмассан». Бадий фильм.
0.10 Футбол плюс.
0.40 Давр.
0.55-1.00 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканал

17.10 Курсатувлар тартиби.
17.20 ТТҲда сериал. «Мухаббат риштаси».
17.55, 19.05, 22.00 «Экспресс». Телегазетаси.
18.15 «Болажонлар экрани».
18.30, 20.00, 21.10, 22.20 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Билим» телекуб.
19.25 «Эл хизматида».
19.40 «Хотира ва Қадрлаш куни»га. «Умр ганимат».
20.25 ТТҲда сериал. «Мафтункор аёл».
21.30 «Хотира ва

Қадрлаш кунига. «Саодат қалити».
22.45 Кинонигоҳ. «Йўлбошчи».
00.10-00.15 Хайрли тун, шаҳрим!
«Халқаро» телеканал
16.00 Курсатувлар тартиби.
16.05 «Соғинч».
16.25 «Жангга фақат қариялар киради». Бадий фильм.
17.55 «Хотира хиёбони».
18.00 С. Ротару иштирокидаги концерт дастури.
19.40 «Дунё мамлакатлари».
20.00 «Время».
20.25 «Бизнес ревью».
20.30 «Эслайсизми».
20.45 «Яшаш воситаси».
21.00 «Юлдуз билан учрашув».
21.15 «Тунги навбатчилик».
21.30 CFI тақдим этади
22.05 «Охирги навбатда». Бадий фильм.
23.35 «Ахборот» (рус тилида)

00.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 «Телехамкор».
9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал.
10.40 «Жониворларнинг ажойиб олами».
11.10 «Тез ёрдам». Сериал. 12.00 «Жангга фақат қариялар боради». Комедия.
13.30 «У қотилликни баён этди». Телесериал. 15.00 Телешоу.
16.00 «30» да спорт.
16.50 «Дискавери соати». 18.00 «30-канал»да ринг қироллари. 18.50 Юмор дастури. 19.30 «Ошикона». Мусикий дастур. 19.45 «Қонун номидан». Сериал. 21.05 «Клип-совға». Телетабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Тубсизликка чўкиш». 23.15 Спорт дастури.

Shanba

10

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»: 9.00 1. «Қизикарли учрашувлар».
2. «Уйда, Изла, Топ!»
Телемусобақа.
10.00 «Хидоят сари».
10.20 Мусикий танаффус.
10.35 «Бу турфа олам».
11.25 «Маърифат». Телеальманах.
11.45 «Бузоқча», «Кўнгирикўл». Мультфильмлар.
12.15 ТВ анонс.
12.20 «Санъатга бахшида умр».
12.40 «Катта бойлик дардида». Бадий фильм.
14.40 «Олтин бешик».
15.00 «Ўзбектелефильм» намоиши:

«Кўҳна оҳанглар».
15.35 «Ягона оилада».
16.05 «Интизор қалблар». Видеофильм премьераси.
17.10 Болалар учун. «Фламинго».
17.30 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
17.50 «Рангин дунё».
18.10 «Ўзбекино» тақдим этади: «Пири бадавлат отахон».
18.20 «Буни умр дерлар».
18.45 «Интеллектуал ринг». Телеўйин.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Оқшом эртаклари».
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Дуторчилар ансамблининг янги дастури.
21.30 «Гап чикди». Телешоу.

22.20 Кураш бўйича республика турнири.
22.50 «Ахборот-дайжест».
«Тунги ёғду».
23.10 «Бозигар». Бадий фильм. 1-қисм.
00.35-00.40 Ватан тимсоллари.

«Ешлар» телеканал

7.55 Курсатувлар дастури.
8.00 Давр тонги.
9.00 «Янги авлод» студияси: Кичкинтой театри, Хар соҳага саёҳат, Мультфильм.
9.50 Табобат оламида.
10.10 «Давр» нигоҳи.
10.30 ТВ-анонс.
10.35 Хозирги замон ўзбек шеърятидан.
10.40 Бола тилидан.
11.10 «Гвадалупе». Телесериал.
11.50 Қутилмаган меҳмон.
12.10 «Эраимиздан аввалги дунё».
Маърифий фильм 1-қисм.
12.35 Азизим.
13.00 Кўҳна оҳанглар.
13.15 «Чархпалак».

Телевизион бадий фильм 12-қисм.
14.00 Жаҳон мусикаси хазинасидан: Жакомо Пуччини. «Мадам Баттерфляй» операси.
16.30 «Чўпон». Видеофильм.
16.50 «Эраимиздан аввалги дунё».
Маърифий фильм 2-қисм.
17.15 Курсатувлар дастури.
17.20 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма, Ҳамма нарсани билишни истайман, Мультфильм.
18.10 ТВ-анонс.
18.15 Саломатлик сирлари.
18.35 Каталог.
18.45 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр»-репортаж.
19.45 ТВ-анонс.
19.50 Кўҳна оҳанглар.
20.00 «Эраимиздан аввалги дунё».
Маърифий фильм 3-қисм.
20.25, 21.10, 22.35

Эълонлар.
20.30 «Чархпалак».
Телевизион бадий фильм 13-қисм.
21.15 Оҳанрабо.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс ва тунги тароналар.
22.55 Кинотақдим.
23.15 «Масҳарабоз». Бадий фильм.
0.30-0.35 Хайрли тун.
«Тошкент» телеканал

17.10 Курсатувлар тартиби.
17.20 «Мультчархпалак».
17.40 «Жаҳон географияси».
18.10, 20.10, 20.50 «Экспресс». телегазетаси.
18.30 «Афиша».
18.50 «Арслонбоб», «Бешиктўй». Телефильмлар.
19.10 «Мисли гавҳар».
19.25 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
20.00 «TV мадад».
20.30 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
21.10 «Нима учун?»
21.40 Кинонигоҳ.
«Қирол Лир». 1-

қисм.
22.50-22.55 Хайрли тун, шаҳрим!
«Халқаро» телеканал
9.05 Курсатувлар тартиби.
9.10 «Лаззат».
9.30 «Уйга қайтиш».
10.10 Е. Петросяниннинг Кулгу панорамаси.
10.50 Болалар соати: «Оливер ва унинг дўстлари». Мультфильм.
11.55 «Кўнгил-кўнгилга пайванд».
12.35 «Дисней-клуб».
13.00-14.00 Дўстлик видеоканали: «Бағри кенг Ўзбекистон», «Умид», «Немис шаҳри».
16.20 Курсатувлар тартиби.
16.25 «Бинафша».
16.50 «Воқеа».
17.10 «Ҳазил кетидан ҳазил».
17.55 «Амалий мўъжизалар».
18.55 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
20.00 «Время».
20.25 «Моданинг гўзал

олами».
20.45 «Хикоя».
21.10 Кинематограф. «Келининг отаси». Бадий фильм.
22.40 «Ахборот» (рус тилида)
23.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.45, 20.45 «Телехамкор».
9.30 «Деннис-шумтака». Мультсериал.
10.00 Болалар учун фильм. 11.30 «Жониворларнинг ажойиб олами».
12.00 Оилавий кино. «Чемпионнинг ўғирланиши».
13.40 «Дискавери соати». 14.30 Хинд киноси. «Севимли кинолдуз». 17.00 Телеўйин. 18.10 «30-канал» кинооқшоми: «Олти». 19.45 «Ошикона». Мусикий дастур. 20.00 «Вовочка». Сериал. 20.30 «Клип-совға». Телетабрикнома. 21.05 «Урта Ер денгизи». Сериал. 22.00 «30-канал»да кинооқшом. «Васаби». 23.30 Мусикий дастур.

Yakshanba

11

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак».
Болалар учун кинодастур.
9.35 «Ғаройибот».
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 «Ракибингиз-гроссмейстер».
11.30 «Бу турфа олам». Телеальманах.
12.20 «Кувноқ стартлар». Телемусобақа.
12.50 «Мафусаил». Бадий фильм.
14.40 «Интеллектуал ринг». Телеўйин.
15.20 «Қорақалпоқнома».
15.40 «Гап чикди». Телешоу.
16.30 «Уй бекаси».
16.50 «Портретга чизгилар».

«Болалар сайёраси»: 17.10 1. «Улғайиш поғоналари».
2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.10 «Талабалик йилларим».
18.30 «Қалб гавҳари».
18.50 «Куйла, ёшлигим».
19.10 «Тўртинчи ҳокимият».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида)
20.05 «Курсатувдан - курсатувгача».
20.30 «Тахлилнома».
21.15 Эстрада тароналари.
21.35 «Бойсуннинг бир кун».
Видеофильм премьераси. «Якшанба кинозал»:
22.15 «КиноТеатр».
22.35 «Бозигар». Бадий фильм. 2-қисм.
23.55-24.00 Ватан тимсоллари.

«Ешлар» телеканал

7.55 Курсатувлар дастури.
8.00 Давр тонги.
9.00 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма, Ҳамма нарсани билишни истайман.
9.40 Очил дастурхон.
10.05 ТВ-анонс.
10.10 Оҳанрабо.
10.50 «ФИФА» (футбол ичида, футбол атрофида)
11.30 Қилни қирқ ёриб. Интеллектуал ўйин.
12.25 «Эраимиздан аввалги дунё».
Маърифий фильм 3-қисм.
12.50 «Ешлар телеканалда ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1.Марди майдон, 2.Аскар мактублари».
13.30 «Чархпалак».
Телевизион бадий фильм 13-қисм.
14.10 Ватан ҳақида қўшиқлар.
14.20 Чемпион сирлари.

14.40 Болалар экрани: «Қизил қор ёқанда».
15.55 Кишлоқдаги тенгдошим.
16.15 «Қаҳқаҳа» театр – студияси намоиш этади.
16.45 Лабиринт.
17.10 ТВ-анонс.
17.15 Курсатувлар дастури.
17.20 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус.
17.45 Спорт ҳафтано-маси.
18.00 Ўзбек мумтоз мусикасидан.
18.10 Меҳр кўзда.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр»-news.
19.20 Синфдош.
19.45 Кўҳна оҳанглар.
19.55, 20.45, 22.30 Эълонлар.
20.00 «Чархпалак».
Телевизион бадий фильм 14-қисм.
20.50 «Заковат» интеллектуал ўйин.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр» ҳафта ичида.
22.35 ТВ-анонс ва тунги тароналар.
22.50 «Ҳаёт тумори».

Бадий фильм.
0.30-0.35 Хайрли тун.
«Тошкент» телеканал

17.10 Курсатувлар тартиби.
17.20 «Эртақларнинг сеҳрли олами».
19.00, 20.10, 21.45 «Экспресс». телегазетаси.
19.20 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
20.00 «TV мадад».
20.30 «Жаҳон географияси».
21.00 «Пойтахт шарҳи».
21.30 «Нима учун?» гуруҳи тақдим этади: «Шунақа гаплар». Ҳажвий курсатув.
22.05 Кинонигоҳ.
«Қирол Лир». 2-қисм.
23.10-23.15 Хайрли тун, шаҳрим!
«Халқаро» телеканал
9.05 Курсатувлар тартиби.
9.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
9.30 «Ҳамма уйдалигида».

10.05 «Кувноқ инглиз тили».
10.15 «Кайфият». Информацион дам олиш дастури.
11.45 «Лаззат сеҳри».
12.15 «Фан тайм».
12.25 «Парле ву франсе?»
12.50 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
13.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
13.25-14.45 «Дўстлик» видеоканали: «Дидар», «Маврид», «Ватан сурури», «Корея тилини ўрганамиз».
17.00 Курсатувлар тартиби.
17.05 «Мультсеанс».
17.20 Н. Басков, А. Розенбаум, Л. Долина байрам концертида.
19.00 Кинематограф. «Кадриль». Бадий фильм.
20.20 «Автострада».
20.45 «Тенгдошлар».
21.20 «Шунчаки Кулгу».
22.05 «Дунёга назар».

22.15 Бокс. Василий Жиров – Жеймс Тони.
23.15 «Тахлилнома» (рус тилида)
23.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 11.30, 17.45, 20.45 «Телехамкор».
9.30 «Деннис-шумтака». Мультсериал. 10.00 Болалар учун фильм. 12.00 Оилавий кино. «Бе-гам».
13.40 «Дискавери соати». 14.30 Кундузги кинозал. «Фаришта рақси».
16.10 Дам олиш дастури.
16.40 Мусикий дастур. 17.00 Телеўйин.
18.10 «30-канал» кинооқшоми: «Ута хавфли жиноятчи».
19.45 «Ошикона». Мусикий дастур. 20.00 «Агентлик». Ҳажвий сериал. 20.30 «Клип-совға». Телетабрикнома. 21.05 «Қасос олиш хисси».
Сериал. 22.00 «30-канал»да якшанба кинооқшоми. «Катта бўлак». 23.40 Спорт шарҳи.

Тошкент вилояти «Дори-дармон» давлат акциядорлик бирлашмасининг 2001-2002 йиллардаги молиявий-хўжалик ҳисоботи ҳамда 2003 йил 25 апрелдаги йиллик умумий мажлиси кун тартибига киритилган масалалар натижаси

Бирлашманинг молиявий аҳволи

Тошкент вилояти «Дори-дармон» давлат акциядорлик бирлашмаси бўйича 2001-2002 йиллар ишлаб чиқариш кўрсаткичлари куйидагича (минг сўмда)

Т/с	Муомала турлари	2001 йил мобайнида		2002 йил мобайнида	
		Режа	Амалда	Режа	Амалда
1.	Товар айланиши жами	5600000	5633502,0	2871400	2879305,5
	Чакана савдо	509000	510907,8	632200	636316,1
	Улгуржи савдо	5100000	5122594,2	2239200	2242989,4
2.	Муомала харажатлари	301000	305240,2	214361,1	234474
3.	Ишчилар сони		353		296
4.	Тўланган ойлик маошлар		58424,8		69684,6
5.	Ўртача ойлик маош		13,8		19,6
6.	Умумий даромад (минг сўм)	175000	179809,3	351509,1	271913,2
7.	Соф фойда (минг сўм)			1751,5	4562,3
8.	Солиқ тўловлари		99567,0		113508,7
9.	Соғлиқни сақлаш муассасаларига берилган 10-модда дори-дармонлар		654452,3		773596,0
10.	Шу жумладан, бепул бериладиган дори-дармонлар		133799,1		133559,3
11.	Олиб келинган дорилар		2524808,1		2484330,7
12.	Дебиторлик қарзлар		780207,4		289531,8
13.	Кредитор қарзлар		936720,0		893531,8 / 649643231,0
14.	Дори-дармонлар захираси		523050,9		431127,9
15.	Самарадорлик даражаси		0,7		0,16

Бирлашма 2003 йилда молиявий-хўжалик йилида соғломлаштириш ишларини олиб борди.

Бирлашма асосан мўлжалланган ҳажмда товарларни ўз вақтида келтириш, 2003 йилда молиявий-хўжалик ишларини янада ривожлантириш учун товарларни келтириш, харажатларини камайтириш ва дебитор қарзларни камайтириш ишларини олиб боради.

Тошкент вилояти «Дори-дармон» Давлат акционерлик бирлашмасининг 2003 йил 25 апрелдаги акционерларнинг умумий мажлиси Тошкент шаҳар, Юсуф Хос Хожиб кўчаси, 28-уйда ўтказилади.

Умумий мажлис кворуми — овоз бериш мумкин бўлган акция — 11742 акциядан (93,46%) 10975 акция рўйхатдан ўтди.

Кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан акциядорларнинг берган овозлари куйидаги натижани берди. Мажлисида жами 8360 та акция овози иштирок этди, бу 71,189%ни ташкил этади.

Т/с	Кун тартибидagi масалалар	Ўқлайман	Қарши	Бетараф
1.	2001-2002 йиллар молиявий-хўжалик фаолияти натижалари бўйича акционерлик бирлашмаси бошқаруви раисининг ҳисоботи	8360		
2.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги УП-220-сонли Фармони, Тошкент вилояти Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасининг 2002 йил 15 августдаги 281-Д-сонли буйруғи асосида Тошкент вилояти «Дори-дармон» Давлат акционерлик бирлашмаси Низом жамгармасига ўзгартириш киритиш масаласи	8360		
3.	Бирлашманинг молиявий-хўжалик фаолиятининг 2001-2002 йиллар иш якунлари бўйича тафтиш комиссияси ва аудиторлик текшируви хулосасини тасдиқлаш	8360		
4.	Бирлашма Кузатув Кенгаши аъзоларини қайта сайлаш	8360		
5.	Бирлашма бош директори шартномасини келаси йилга узайтириш ва 1 йил муддатга ишга ёллаш бўйича шартнома тузиш	8360		
6.	Бирлашманинг 2003 йил учун ишлаб чиқариш бизнес-режасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш	8360		
7.	Тошкент вилояти «Дори-дармон» давлат акционерлик бирлашмасининг Давлат улушини 35%дан 26%гача қисқартириш ва бор мол-мулки билан Республика Давлат акционерлик компаниясига қўшилиш масаласи	8360		

Бирлашма бошқаруви.

ТАНЛОВГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги қонунига мувофиқ Тошкент вилояти ҳокимлиги адлия бошқармаси куйида қайд этилган туман, шаҳарларда ўрни бўш қолган давлат нотариал идораларида ва таъсис этилган хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус лавозимларини эгаллаш истагини билдирган олий юридик маълумотга ва нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган фуқароларни танловда қатнашиш учун таклиф этади:

1. Давлат нотариал идораларида нотариуслик лавозимлари учун:

Бекобод шаҳрида 1та ўрин

Ангрен шаҳрида 1та ўрин

Ангрен шаҳрида
(Янгиобод нотариал округига)
1та ўрин

Бекобод туманида 1та ўрин

2. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслик лавозимлари учун:

Зангиота туманида 1та ўрин

Қибрай туманида 1та ўрин



Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорт агентлигининг Тошкент вилояти бўлими — Тошкент вилоят ҳокимлигининг автотранспорт соҳасини бошқариш комиссияси ишчи гуруҳи газетанинг 2003 йил 15 февралдаги 13-сонидо чоп этилган «**Диққат, тендер!**» эълонига қўшимча:

339-йўналишли такси
— **Олмалиқ — Қизилой**
320-йўналишли такси
— **Олмалиқ — Эйвалек**



Тендер 2003 йил 3 июнь кўни
Охангарон туманида ўтказилади.

Тошкент шаҳридаги 18-хунар-техника билим юрти томонидан 1990 йил 30 июнда Ходжаев Анвар Шарабиддинович номига берилган Б 207293 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент Давлат Университети томонидан 1985 йил 2 июлда Тўйчиев Махмуд Умарович номига берилган КВ 811786 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Чирчиқ шаҳридаги 12-мактаб томонидан 1986 йилда Муяссар Юлдашевна Садирдинова номига берилган 952680 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Зангиота туманида жойлашган «MAXSUSELEKTRO-MONTAJA MINOT» АЖ иш фаолиятини **ТУГАТАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 54-79-72, 54-75-97 рақамли телефонлар орқали қабул қилинади.



ҲН ТҮРТ ЙИЛДАН СҲНГ

Илгарилари Индонезия раҳбарлари Россияга тез-тез таширф буюриб туришарди. Лекин айрим сабабларга кўра бундай борди-келдилар сўнгги йилларда камайиб кетди. Ниҳоят 14 йилдан сўнг Индонезия президенти Меговати Сукарнопутра хоним беш кунлик таширф билан Москвага келди. Мазкур сафар давомида Индонезия раҳбари Россия президенти Владимир Путин ва бошқа юқори мартабали арбоблар билан учрашиб, қатор долзарб масалалар ҳақида фикр алмашди. Жумладан, мулоқотларда икки томонлама алоқалар, Корея ярим оролидаги вазият, иқтисодий-савдо муносабатлари, террорчилик ҳамда халқаро инқирозларни бостиришда БМТнинг ўрни каби масалалар борасида гап борди. Айниқса, «XXI асрда Россия Федерацияси ҳамда Индонезия Республикаси ўртасидаги асосий икки томонлама ва шерикчилик муносабатлари тўғрисида»ги Декларациянинг имзоланиши кузатувчилар томонидан катта қизиқиш уйғотди. Зотан, мазкур ҳужжатда сиёсий, иқтисодий, технология, ҳарбий техника ҳамда банклар соҳаларига доир масалалар катта ўрин эгаллади, деб таъкидланди «ИТАР-ТАСС» ахборотида

АНЖУМАНДА СОБИҚ ТАЛАБАЛАР

Жорий йилнинг 14-16 май кунлари РФ пойтахтида халқаро анжуманнинг очилиши эълон қилинди. «Новости» ахборот маҳкамасининг қайд қилишича, мазкур йиғинда Россия ва шўролар даврида олий ўқув юртларини битирган талабалар иштирок этадилар. Уларнинг тақдири ўзига хос. Эндиликда ўша даврда таҳсил олган талабаларнинг кўпчилиги ҳорижий мамлакатларда яшамокдалар ва ишламоқдалар. Ўша пайтда ўқув даргоҳларини битирганлар орасидан кўплаб давлат арбоблари, олимлар, йирик сармоядорларнинг етишиб чиққанлиги эътиборга лойиқдир. Мазкур халқаро анжуманга 70 мамлакатдан юзлаб вакиллар келиши кутилмоқда. Бу ерда бўладиган мулоқотларнинг аҳамиятли томони яна шундаки, анжуман иштирокчилари дунёвий муаммоларга ўзига хос таъсир ўтказадилар.

ЎЗГАРИШЛАР ҚИЛИШ КЕРАК

Ҳар бир мамлакатнинг асосий қонуни — Конституция узоқ муддатларни ўз ичига оладиган ҳужжатдир. Лекин, вақти-вақти билан мазкур асосий қонунга ўзгаришлар ва тузатишлар киритиб турилади. Шу маънода Японияда чиқадиган «Йомири» газетаси аҳолининг айрим тоифалари ўртасида сўров ўтказди. Фикр билдирганларнинг 54 фоизи Япониянинг урушдан кейинги «Тинчлик конституцияси» деб аталмиш қонунга ўзгаришлар киритиш лозим деб ҳисобладилар. Хусусан, конституциянинг баъзи моддалари тўғрисидаги мушоҳадалар кўпчиликнинг эътиборини тортди. Эндиликда одамлар конституциянинг 9-моддасига биноан уруш воситасидан халқаро ихтилофларни ҳал этишда фойдаланишлари мумкин. Бундан буён ушбу модда замонавийлаштирилиши ва вужудга келадиган янги муаммоларга муносабат билдирадиган даражага келтирилиши лозим. 20-30 яшар ёшларнинг мамлакат муудофаасида қатнашиш масаласига ҳам ижобий ҳолат деб қаралиши керак дейишди сўралганлар.

ПХЕНЬЯН ТАН ОЛДИ

Биз Шимолий Кореянинг ядровий қуролга эга ёхуд эга эмаслиги масаласи бўйича ХХР пойтахти Пекинда АҚШ, КХДР ва Хитой вакиллари иштирокида уч томонлама музокаралар бўлажаги ҳақида газетамизда аввал хабар берган эдик. Ниҳоят мазкур анжуман бошланди ва баъзи бир шов-шувли натижалар келтирди. «Синьхуа» ахборотида айтилишича, Шимолий Корея томони анчадан бери журъат этиб айтмаётган гапни баралла айтди: «Ҳа, бизда атом бомбаси бор» деди Пхеньян. Кузатувчиларнинг фикрича, КХДРда айни пайтнинг ўзида плутоний воситасида ясалган 2-3 та атом каллаг мавжуддир. Енбен реакторидаги маҳсулотлар қайта ишланадиган бўлса, КХДР яна 6 тадан 8 тагача каллакка эга бўлиши мумкин.

Музокаралар пайтидаги айрим тортишувларга қарамай, Хитой томони мулоқотларни «Ижобий ибтидо» деб баҳолади.



Африка. Виктория шаршараси.

Шарҳловчи минбари

ЯҚИН ШАРҚ:

ЙЎЛНИ "ЙЎЛ ХАРИТАСИ" КЎРСАТАДИ

Саддам Ҳусайн тузуми ағдарилгач, АҚШ маъмурияти Фаластин билан Исроил ўртасидаги қарама-қаршиликка барҳам бериш масаласи ҳусусида жиддий шўғулланишга киришмоқда. Саддам Ҳусайн тузумининг ағдарилиши Яқин Шарқ муаммосининг ҳал этилишига имкон яратади, деб келинади. Эндиги вазият мазкур масалани кун тартибига қўйиш вақти келганини кўрсатмоқда. Шу мақсадда халқаро тўртлик — АҚШ, БМТ, Европа Иттифоқи ва Россия томонидан "Йўл харитаси", деб ном олган янги режа ҳам ишлаб чиқилган.

Мазкур режага кўра, Фаластин билан Исроил ўртасидаги кўп йиллик можарога 2004-2005 йилларда барҳам берилиши керак. Оқ уй расмий вакили Ари Флайшернинг таъкидлашича, муаммони ҳал этишда воситачилик қилаётган "тўртлик" тайёрлаган ушбу ҳужжатни ўрганиб чиқиш учун Исроил ва Фаластинга расман топширилган.

АҚШ давлат департаментидан маълум қилинишича, "Йўл харитаси" уч босқичдан иборат. Биринчиси энг қисқа муддатли бўлиб, 31 майгача минтақада террор ва зўравонликка чек қўйишга эришишдан иборат. Бу вақтда исроилликлар 2000 йилдан буён эгаллаб турган Фаластин ҳудудини тарк этади ва Фаластиннинг мустақил бўлиш ҳуқуқини тан олади. Ўз навбатида, фаластинликлар Исроилни давлат сифатида тан олиши керак.

Режанинг иккинчи босқичи йилнинг охиригача чўзилади. Ушбу давр мобайнида Фаластин мухториятида сайлов ўтказилиб, мустақил дав-

лат тузишга ҳаракат қилинади. "Тўртлик" иштирокида эса ушбу масала бўйича халқаро конференция чақирилади ҳамда Фаластин давлатининг халқаро ҳамжамият томонидан тан олиниши ҳамда БМТга аъзо бўлиши учун ҳаракатга киришилади.

Режанинг учинчи, яъни якуний босқичи 2004-2005 йилларга мўлжалланган бўлиб, барча баҳсли муаммоларни ҳал этиш ҳамда Фаластин билан Исроил ўртасидаги можарога барҳам беришни кўзда тутди. Бунда ҳам "тўртлик" шаффелигида яна бир халқаро конференция чақирилади. Унда Фаластиннинг давлат чегараси аниқ белгиланади. Учинчи босқичда Қуддус шаҳри масаласи, қочқинлар муаммоси ҳамда Исроил босиб олган қишлоқлар тақдири ҳал этилиши лозим. Фаластин Исроил, Ливан ва Сурия билан муносабатларни йўлга қўяди. Шунингдек, араб давлатлари Исроил билан дипломатия муносабатлари ўрнатади.

Яқин Шарқ муаммосини ҳал этиш учун авваллари ҳам халқаро ҳамжамият кўп саъй-ҳаракатлар қилган, махсус режалар ишлаб чиқилган эди. Бироқ уларнинг ҳеч бири ҳалигача натижа бермади. Можаро ҳамон давом этмоқда, террор ҳуружлари тўхтагани йўқ.

Энди "Йўл харитаси" режасини исроилликлар ҳам, фаластинликлар ҳам яхшилаб ўрганиб чиқиши керак. Ҳужжатни икки томон маъқулласа, уни ҳаётга жорий қилиш ҳаракати бошлаб юборилади.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

ИККИ МАРТА «ҚАҲРАМОН ОНА»

Воронеж шаҳри яқинидаги Масловка кўрғонида яшовчи Елена Шишкина яқинда йигирманчи фарзандини дунёга келтирди. Унинг турмуш ўртоғи шофёр Александр Йигирманчи чақалоқ — қизчани бағрига босиб, кўзларига ёш олди.

Бу орада Шимолий Осетия — Алаания президенти Александр Дзасоховнинг кичик ўғли Таймураз оиласида бир йўла тўрт нафардан иборат эгизаклар туғилди. Уларга Дзерасса, Алана, Нина ва Марина деб исмлар қўйилди. «Труд» газетасининг мухбирлари у ердаги воқеалар ҳақида батафсил ҳикоя қилдилар.



АЖАЛИ ЕТМАГАН ЭКАН

Доша бир яшар итнинг номи. Калифорниялик одамлар уни жуда яхши кўришар эди. Доша уй яқинидаги шоҳкўчада айланиб юрганда уни машина уриб кетди. Маҳаллий полициячи жонивор қийналасин деб унинг бошига бир неча бор ўқ узди. Итнинг ўлди деб ҳисоблашиб, маҳаллий ветеринар шифохонасининг музхонасига ташлаб қўйдилар. Тунда ишга келган шифохона ходимаси бир маҳал музхонани очиб қараса, Доша тирик ҳолда пластик қопчада ўтирган экан. Уни дарҳол озод қилдилар. Айни кунларда у даволанишни давом эттирмоқда.



ТУШЛИККА — ТЕМИР

Бу ғаройиб воқеа ҳақида Францияда чиқадиган «Франс суар» газетаси ҳикоя қилиб берди. Унда ёзилмиш, Гренобль шаҳрида истиқомат қиладиган Мишель Лотито деган йигитнинг антика одати бор экан. У темир парчаларини электр аррада майдалаб ютади. Бир ўтиришда 900 тача темир парчаси унинг ошқозонидан жой олади.

Бир куни эса, М. Лотито беҳосдан қўлидаги стаканни синдириб қўйди. «Сир»ни яшириш учун у ойна парчаларини ҳам ея бошлади. Ўзингиз баҳо беринг, бошқа одам бўлганда бундай қилмишдан аллақачон у дунёга равона бўларди. Лекин М. Лотито ўзининг ноёб иқтисоди билан пул ишлайди. Одамлар ўртасида «томоша» кўрсатиб, кун кечиради.

ФАРОМУШЛИК КАСРИ

Мартин Лочмайер Австриянинг Грац шаҳрида истиқомат қилади. У автомобиль шайдоси. Ўзининг «пўлат оти»ни шамолдай учтиришни яхши кўради. Бир куни у барвақт йўлга чиқди. Аммо, дафъатан уяли телефонини унутганини билиб қолди. Машинаси ишлаб турибди. У телефонни тезроқ олиб тушиш учун хонага кўтарилди. Бир маҳал қайтиб машинасига яқинлашганда автомобиль йўловчилар гавжум кўчада юриб кетаётганини кўриб қолди. Мартин унинг орқасидан югурди. У куч билан машинани тўхтатмоқчи бўлди. Бироқ, тезлашган машина ўз соҳибини «оёғи остига олди». «Тез ёрдам» келиб М. Лочмайерни шифохонага олиб кетди. Бир неча қовурғаси синган, оёғи шикастланган йигит ҳозир касалхонада даволанмоқда.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиш
академиясида Эркин
Хушвақтов қаламига
мансуб "Қирмизи олма"
пьесаси асосида сахналаш-

"Қирмизи олма" — сахнада

тирилган спектаклнинг
премьераси бўлиб ўтди.

Академия раҳбарияти та-
шаббуси билан сахналашти-

рилган ушбу асарда ҳалоллик,
ажодлар ёдини муқаддас би-
лиш, самимий муҳаббат син-
гари азалий қадриятлар та-
раннум этилган.

"Қирмизи олма"ни Ўз-
бекистонда хизмат кўрсатган
ёшлар мураббийси М.Абдул-
лаева сахналаштирган. Рол-
ларни таниқли артистлар Д.
Икромов, С. Раметова, М.
Мухторова ва бошқалар ижро
этган.

Ў.А.

Муסיқа фестивали муваффақиятли ўтди

Ўзбекистон Давлат консер-
ваториясида камер муסיқа-
си халқаро фестивали якун-
ланди.

Мазкур тадбирни Ўзбекистон
очиқ жамият институти кўмак
жамғармаси, республика Бас-
такорлар уюшмаси, Швейцария
қўллаб-қувватлаш ва ҳамкорлик
жамғармаси, Британия кенга-
ши, АҚШ, Италия, Франциянинг
мамлакатимиздаги элчихонала-
ри ташкил этди.

Замонавий камер муסיқаси
дунёни англаш, узлуксиз янги-
ланиш жараёнининг ноёблиги-
ни ифодалашга ҳаракат қилмоқ-
да. Фестивал доирасида уюш-
тирилган концертларда бўлиб,
бунга яна бир бор ишонч ҳосил
қилиш мумкин.

Ўзбекистон бастакорлари
асарлари ижро этилган
концертлар, "Musiques Novel-
les" (Бельгия), "2E2M" (Фран-
ция), "Туркистон" (Ўзбекистон)
ансамбллариининг чиқишлари
муסיқа шайдоларида катта та-
ассурот қолдирди.

Фестивал доирасида консер-
ваторияда Жан-Поль Дессис,
Каринэ Георгиян, Ин Мурно
каби машҳур бастакорлар ва
муסיқашунослар билан ижодий
кечалар, мастер-класслар, очиқ
дарслар, давра суҳбатлари
ўтказилди. "Муסיқа. Муסיқачи-
лар. Давр" деб аталган фото-
кўргазма ҳам муваффақиятли
ўтди.

Ў.А.

Bolalik bog'i

YOMONLIK QILIB, YAXSHILIK KUTMA

Luqmoni hakim bir boyga
xizmatkor bo'lib yollanibdi. Bir
kuni boy unga yerga bug'doy
sochgin, deb buyurdi. Luqmoni
hakim bug'doy o'rniga arpa
sochdi. Buni ko'rgan boy
g'azablanib:

— Men senga bug'doy
sochgin, degandim, nega arpa
sochding? — dedi.

Luqmoni hakim unga aytdi:
— Arpa sochsam, bug'doy
unmaydimi?

Boy g'azablanib:
— Easing bormi, hech vaqt
arpadan ham bug'doy unadimi?
— degan edi, Luqmoni hakim:

— Unday bo'lsa, nega siz
doimo odamlarga jabr istaysiz,
yana yaxshilikdan umid qilasiz.
Yaxshilik qilsangiz yaxshilik,
yomonlik qilsangiz, yomonlik
qaytadi. Arpadan bug'doy
unmagani kabi, atrofigizdagi
insonlarga ozor berib, ulardan
yaxshilik kutmang, — dedi.

K. EGAMBERDIYEVA
tayyorladi.

Йигилиш роса чўзилди. Режадаги ишларим эса, битмади.
Устига-устак, кеч кириб, қоронғи түшиб қолган.
Бу қишлоқдан Тошкентгача тўқсон минг чақирим келаров.
Бир кечага қўналға топмасам, бўлмайди чоғи.
Қишлоқ оралаб аввал ўннга, яна чапга бурилдим, таваккал
қилиб, бир хонадоннинг эшигини тақиллатмоқчи бўлдим. Эшик
охиста очилди-ю, ичкари қиролмай, гарангсиб қолдим. Товуш
бердим... Ғувиллаган шамол овозимни бўғиб, олис-олисларга
тентиратиб кетарди...

Шамол эшик очади,
Эшикни ёпар шамол.
Харён ҳазон сочади —
Юролмайсан, бемалол.

«Сен бу ерда турмагин» —
Зуғумини оширар.
«Қиролмайсан, кирмагин» —
Дея, қистаб, шоширар.

«Йўловчиман, кўчада —
қолсам, ярашмас, шамол!»
Шамол ҳазон сочади —
Кўнгилга келар малол.

Шамол эшик очади,
Эшикни ёпар шамол...

Назаримда, бу хонадонга ил-
гари ҳам бир келиб, меҳмон
бўлгандекман. Аммо қачонлиги
ёдимда йўқ. Ўша ишонч мени
дадил бўлишга ундарди. Икки-
ланиш, орқага қайтишга сира
ўрин йўқ. Шу алфозда яна то-
вуш бердим.

— Эшик очик, кираверинг, —
деган шикаста овоз эшитилди.
Ўзимни ичкарига олдим. Узун
йўлак бўйлаб бораёпман-у,
кўнгил алағда. Баланд бўйли,
эллик ёшлар чамаси хушрўйги-
на аёл мени тавозе билан кутиб
олди. Салом бердим.

— Хуш келибсиз, меҳмон!
Тортинмай ичкарига кираверинг,
— далда берган бўлди у. Ҳовли
тўридаги чоғроқина айвонга



кўтарилдик. Мухбир эканлигим-
ни айтиб, ўзимни таништирган
бўлдим. Ўтирдик. Дастурхон
ёзилди.

— Сизни танийман. Мажлис-
ларда кўрганман, — деди ўзини
«Дилором опа» деб таништир-
ган меҳмон. Аммо ноқулайлик-
нинг зил юки ўртада кўндаланг
бўлиб турарди. Шу орада хона-
дон соҳибининг исми шарифини
эсладим. У кишини йўқлаб кел-
ганимни айтдим. Орадаги ётси-
раш чекингандек бўлди.

— Акангиз ўн икки йил аввал
бу дунёни тарк этганлар. Шунақа,
аёл бошим билан у кишидан
ёдгор уч қизимизни уйли-жойли
қилдим. Бири-биридан ширин
бир этак невараларим бор. Қуриб

турибсиз, ҳайхотдек ҳовлида чи-
роқларини ёки ўтирибман.

Дилором опа кўзларидан си-
зиб чиққан ёшларни билинтир-
май кафти билан сидириб, сўнг
яна гапида давом этди:

— Туманда маданият ишлари
бўлимида узоқ йиллар ишлаган-
лар. Нима бўлди-ю, пешонамиз-
га сизмай қолдилар. Шу ерда
қишлоқ клубини тебратиб, у ки-
шининг ишини давом эттиряп-
ман. Ўлмаган қул, ҳам-
масини кўравераркан...

Тегирмоннинг
бошимиди,
ёлғиз аёл, ёлғиз аёл.
Палахмоннинг
тошимиди
ёлғиз аёл, ёлғиз аёл.

Йиллар оша
ёстикдошин —
кутиб яшар, ёлғиз аёл.
Беваликнинг аччиқ
ошин —
ичиб яшар, ёлғиз аёл.

Чироқ ёкиш удумини
қўймайди ҳеч, ёлғиз аёл,
Бу қисматнинг тутумини
суймайди ҳеч, ёлғиз аёл.

Ёлғиз аёл кимлигини,
айтолмадим, тўлиқ, шодон.
Хонадоннинг жимлигини,
ошкор қилган, ўзим нодон.

Тегирмоннинг бошимидинг,
ёлғиз аёл, ёлғиз аёл.
Палахмоннинг тошимидинг,
ёлғиз аёл, ёлғиз аёл.

Ҳар сафар шу томонларга
сафарга чиққанимда, албатта,
Дилором опани йўқлаб бораман.
Ноилоҳлик кўчасида тентираган
ним ўша мунгли кеча эса,асло
ёдимдан кўтарилмайди.

Шавкат ТУРОБ.

Sport

Sport

Sport

«СОҒЛОМ ОИЛА» БЕЛЛАШУВЛАРИ

Ҳар бир оилада жисмонан бақувват, мустаҳкам иродали, ҳар
тамонлама соғлом авлодни вояга етказиш мақсадида республи-
ликада «Соғлом оила» мусобақалари ўтказилмоқда.

Айни кунларда ушбу белла-
шувларнинг маҳаллалараро би-
ринчилиги давом этмоқда. Унда
туман ва шаҳар маҳаллаларидан
ота-она ва ўн тўрт ёшдан катта
бўлмаган камида икки нафар
фарзандлари бўлган оила қат-
нашади. Маҳалла босқичида
ғолиб бўлган жамоа туман му-
собақаларида қатнашиш ҳуқу-
қини қўлга киритади. Бу поғона-
да ҳам муваффақиятли баҳс

олиб борган оила вилоятда,
ғолиб бўлгани эса республика-
да иштирок этади.

Мусобақада оилалар қуйида-
ги шартларни бажаришлари ло-
зим. Тўсиқлардан ўтиш эстафе-
таси, ким чаққон ва мерган ўйи-
ни, моҳир ҳужумчи, арқон тор-
тиш, овчилар, кегли, бадминтон
ўйинларида куч сынашиш, ким
чаққон эстафетаси, стол тенни-
си, волейбол бўйича беллашиш

ҳамда ота ва бола футбол дар-
возасини 10-15 метр масофадан
тўп телиб ишғол қилишса, она
ва қиз эса бу шартда баскетбол
тўрига тўпни тушириш учун ҳара-
кат қиладилар.

Юқориқичик туманида «Соғ-
лом оила» мусобақалари қизи-
қарли ўтмоқда.

— Ҳозирги кунгача олтита
маҳалланинг ғолиб жамоасини
аниқладик, — деди туман бо-
лалалар спортини ривожланти-
риш жамғармасининг етакчи
мутахассиси Беркенбой Рискел-
диев. — Аввал оилалар бу му-
собақада қатнашишга бироз ик-
киланиб туришди. Сабаби,
уялишди, шекилли. Бироқ, да-
стлабки учрашувларни кўриб,
қатнашувчиларнинг сони тезда
орди. Айниқса, кейинги бел-
лашувлар жуда муросасиз да-
вом этмоқда. Туман босқичини
яқунлашни 20 майга мўлжалла-
ганмиз.

Қамолитдин АСҚАРОВ.

СУРАТДА: мусобақада ғолиблик-
ни қўлга киритган Бахтиёр
Шокаримов оиласи.

Даврон АҲМАД
олган сурат.



Олдинда саралаш ўйинлари

Футбол бўйича мамлакат терма жамоаси 2004 йилда Хи-
тойда ўтказиладиган Осиё кубоги мусобақалари саралаш
учрашувларига жиддий тайёргарлик кўрмоқда.

Маълумки, жамоамиз апрель ойида Белорус терма жамоаси билан
Минскда ўртоқлик учрашуви ўтказиб, 2:2 ҳисобида дурангга эриш-
ганди. «Пахтакор» Марказий ўйингоҳида жавоб учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувнинг биринчи бўлимида меҳмонларнинг омади чопди.
Улар 15-дақиқадаёқ ҳисобни очишга муваффақ бўлдилар. Танаф-
фусга икки дақиқа қолганда Максим Шацких оширган тўпни Влади-
мир Шишелов дарвозага йўллаб, ҳисобни тенглаштирди.

Иккинчи бўлимида ҳам футболчиларимиз ташаббусни ўз қўллари-
да сақлаб қолдилар. Лекин меҳмонларнинг 54-дақиқада уюштирган
қарши ҳужумлари самарали яқунланди ва 1:2 ҳисоби ўйин охири-
гача ўзгармади.

ИМКОНИАТ БОР

Лекин вакилларимиз уни бой бермаслик учун майдонда янада
ғайрат кўрсатиб, тўп суришлари керак.

Мамлакат чемпионати биринчи табақаси жамоалари навбатдаги
6-тур учрашувларини ўтказдилар. Етти учрашувда дарвозаларга 17
тўп киритилди.

Бу йил биринчи табақада илк бор қатнашаётган «Тошкент» жа-
моаси кейинги икки тур ўйинларини сафарда ўтказиб, кетма-кет
мағлубиятга учради. Шундай бўлсада захирадаги битта учрашуви
билан ҳамон саккизинчи ўринда бормоқда. Яна бир вакилимиз —
«Ангрен» эса бу турда «Шахрихон» жамоасини қабул қилиб, 3:1
ҳисобида ғалабага эришди ва очколари сонини 12 тага етказиб,
жадвалда иккинчи ўринга кўтарилди. Чирчиқ шаҳрининг «Кимёгар»
жамоаси бу турда дам олди. У тўққиз очко билан ҳозирча бешинчи
ўринни эгаллаб турибди.

«Тошкент ҳақиқати» газетаси таҳририяти жамоаси газетанинг
ўз муҳбири Равшан Бобомухамедовга падарибузруквори
АБДУЛҲАЙ отанинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТДА ПРАВДА

МУАССИС
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-70-10, 136-53-80.

Манзилимиз:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот қўмитасида 8 рақами
билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

● Эълон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда далил-
ларнинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон берув-
чилар масъулдир.